

Уламолар кенгашида ташкилий ва фикҳий масалалар муҳокама қилинди



17:44 / 29.12.2025 1305

Бугун, 29 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холикназар ҳазратлари раисликларида Уламолар Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош имом-хатиблари, барча масжидлар имом-хатиблари, диний таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда отинойилар иштирок этди.

Қуръон тиловати билан бошланган мажлисда 2025 йилги иш фаолият натижалари ва келгусидаги режалар атрофида муҳокама қилинди.

Шайх Нуриддин Холикназар ҳазратлари йиғилишда давлатимиз Раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган диний-маърифий ислохотлар, янги очилган масжид-мадрасалар, Фатво маркази фаолияти, диний таълим муассасалари илмий салоҳиятини такомиллаштириш, имом-хатиблар касб-маҳоратини ошириш ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш ишлари тўғрисида ахборот бердилар.

Йиғилишда Уламолар Кенгашининг янгиланган таркиби шакллантирилиб, Кенгаш аъзолигига янги уламолар ва Тафтиш ҳайъати сайланди.

Мажлис давомида жамиятда долзарб бўлиб турган қатор илмий-фиқҳий масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, сафар масофасини аниқлаш, ватани аслий тушунчаси юзасидан ягона ёндашув белгилаш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, бидъат хурофотлардан сақланиш ҳақидаги фатво муҳокама этилди.

Муфтий ҳазратлари томонидан соҳа ходимлари фаолиятидаги айрим камчиликлар танқидий руҳда кўриб чиқилиб, қонунчилик, ахлоқ-одоб ва молиявий интизомга қатъий риоя этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда 2026 йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар қайд этилди. Жумладан, имом-хатиблар, отинойилар ва диний таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари малакасини ошириш, Рамазон ойига пухта тайёргарлик кўриш, иш фаолиятда шаффофлик ва рақамлаштиришни кучайтириш, маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорликда кучайтириш ҳамда хайрия тадбирларини янада жадаллаштириш белгилаб олинди.

Шунингдек, энг фаол ва жонкуяр уламолар тақдирланди.

Қабул қилинган фатволар келгусида матбуотда эълон қилинади.